



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 80 (12.141)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Иқтисодий ривожлантириш жараёнида ишлаб чиқаришни узлуксиз техник ва технологик янгилаш, янги, рақобатбардош маҳсулотларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш, жаҳон товарлар ва хизматлар бозорига чиқиш имконини берадиган инновацион фаолият муҳим ўрин тутди.



Аскар Ғуборов (ЎзА) олган сурат

ОЛИМЛАР ВА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ ЯХШИ САМАРА БЕРМОҚДА

Ўзбекистонда инновацион ривожланиш йўли иқтисодийнинг устувор йўналишидан биридир. Шу сабабли мамлакатимиз илмий-саноат базасида катта инвестицияларга эга янги технология ва маҳсулотлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори иқтисодий-тиббиёт тармоқларини янада модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган.

ЎзА муҳбири **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институти директори, академик Сайёра Рашидова** билан инновацион иқтисодий ривожлантириш ва олимларимизнинг бунга қўшаётган ҳиссаси ҳақида суҳбатлашди.

— Институтнинг аввалги инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар армаркаларидаги иштироки ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Бугунги кунда жадал ривожланиб бораётган саноат ва қишлоқ хўжалигини полимерларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Уларнинг эҳтиёжларини таъминлаш учун илмий-тадқиқот ишлари ва технология ишланмаларни мувофиқлаштириш асосида полимер материаллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институти мамлакатимизнинг синтетик ва табиий полимерлар кимёси, физикаси ҳамда технологияси соҳасидаги етакчи илмий муассасаси ҳисобланади.

Институтимизда амалга оширилётган фундаментал ва амалий тадқиқотлар мавзуси Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларининг реал талаблари, мамлакатимизда амалга оширилатган ресурсларни тежаш ва импорт ўрнини босиш сиёсати ҳисобга олинган ҳолда шакллантирилмоқда. Институтимиз олимлари, биринчи навбатда, маҳаллий хомашдан янги авлод полимерларини яратиш устида меҳнат қилмоқда. Уруғларни табиий полимерлар асосида биологик фаол полимер тизимлардан фойдаланган ҳолда капсулаш услуби ёрдамида экишдан олдин тайёрлашнинг экологик хавфсиз технологиясини ишлаб чиқиш бунга ёрқин мисол бўла олади.

Мазкур технология маҳаллий хомаш — табиий шойи ишлаб чиқариш ва пахта тозалаш саноати чиқиндиларидан олинган полимер маҳсулотларни қўллашга асосланган бўлиб, экологик тизимни яхшилашга ёрдам беради. Импорт ўрнини босадиган «ЎЗХИТАН» — кучли таъсирга эга ва экиладиган чигит хусусиятларини яхшилайдиган уруғ дориларини ишлаб чиқилди. Препарат Давлат кимё комиссияси томонидан қўллашга рўхсат этилди ва «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг чигит тайёрлаш заводларида ишлатилмоқда. Бундан ташқари, янги технологияларга мувофиқ тайёрланган чигит Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, мамлакатимиз фермерлари томонидан ижобий баҳоланди. 2010 йилда мамлакатимизнинг беш вилоятида қарийб 2000 гектарга, 2011 йилда 4000 гектардан зиёд майдонга капсулаланган чигит экилди. 2012 йилда қарийб 10000 гектарга шундай чигит экиш режалаштирилмоқда.

Юмшқ таъсир кўрсатадиган «Полидеф» дефолианти, шунинг-

дек, оксидланган линтдан экологик зарарсиз органоминерал ўзгариш олиш технологияси ҳам институтимизда қўлга киритилган муҳим ютуқлардандир. «Полидеф» дефолианти амалда қўлланилмоқда ва Маҳаллийлаштириш дастури доирасида «Фаргонаазот» оқиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, институтимизда бир неча ўн йиллардан буён пахта целлюлозаси, ундан оддий эфирлар олиш, линтдан целлюлоза ажратиш олиш технологиясини ишлаб чиқиш соҳасидаги самарали фундаментал ҳамда амалий тадқиқотлар ҳам олиб борилаётган. Институтимизнинг қатор тавсия ва ишланмалари қозони карбосиметиллаш, ацетиллаш ва тайёрлаш учун целлюлоза ишлаб чиқариш билан шуғулланидиган қатор корхоналарда жорий этилди. Фаргона фуран бирикмалари кимё заводида йилга 800 тонна карбосиметилцеллюлоза ишлаб чиқариш қувватига эга қурилма ишга туширилди.

Институтимизнинг яна бир илмий йўналиши дори препаратларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Маҳаллий хомаш асосида грипп ва ўткир респираторли вирус инфекциясини даволаш ва олдини олиш учун вирусга қарши фаол интерферон полимер индукторларини ишлаб чиқариш технологиясини яратилди. «ЦелАгрипп» препаратлари табиий-биологик ва клиник синтовлардан муваффақиятли ўтди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Дори воситалари ва табиий техникаси сифатини назорат қилиш бош бoshқармаси томонидан амалиётда қўллашга рўхсат этилди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АҲБОРОТ

Хабар берилганидек, 2012 йил 20 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокама қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан шу йил 19 январда республика Ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлашга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисида 2012 йил 19 январдаги республика Ҳукумати мажлисининг белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларга эришишни таъминлашга, иқтисодиёт ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини оширишга, ишлаб чиқаришни, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришга, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишга қаратилган протокол топшириқларини бажариш бўйича ишлар натижалари атрофлича кўриб чиқилди ва батафсил таҳлил қилинди.

Қайд этилдики, 2012 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифалари изчил ва мақсадга йўналтирилган тарзда амалга оширилиши, жаҳон иқтисодиётида давом этаётган инқирозли ҳодисаларнинг оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш юзасидан тезкор чора-тадбирлар кўрилиши туғайли Ўзбекистонда иқтисодиёт ўсишининг юқори ва барқарор суръатлари ҳамда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашни таъминланмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакат янги ички маҳсулоти 7,5 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 6 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми — 6,1 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми — 6,6 фоизга ўсди. Давлат бюджетни янги ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдордаги профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрлардан ошмади.

Экспорт таркибини янада диверсификациялаш, экспорт боп маҳсулотларини сотишни янги бозорларни ўзлаштириш ва ташқи савдо айланмасининг барқарор ижобий салдоси таъминланмоқда.

Ички талабни рағбатлантириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чўқурлаштириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 5,4 фоизга, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми — 19,4 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми — 11 фоизга ва хизматлар ҳажми — 12,5 фоизга ўсишига қўмақлашди. Янги ички маҳсулотда хизматлар соҳаси улаши бир йил олдинги 48,5 фоизга нисбатан 52,1 фоизга ўсди.

Оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, ёш оилаларни ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни кучайтиришга, шу асосда ҳар бир оиланинг фаровонлиги ва ҳаёт даражаси ўсишини таъминлашга, шунингдек, жисмоний соғлом, маънавий етуқ ва баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини оширишга йўналтирилган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тадбирларини фаол амалга ошириш бошланди.

Мажлисининг кўн тартибидеги масалаларни кўриб чиқиш давомида таркибий қайта ўзгартиришларни чўқурлаштириш ва иқтисодий диверсификациялаш, 2012 йил учун Инвестиция дастурини, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш дастурларини жадал амалга ошириш бўйича ишлар ҳолатини чўқур таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Қўрилатган чора-тадбирлар натижасида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 4,4 фоизга ўсиши таъминланганини қайд этилди. 127 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Муҳокама жараёнида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзфарманоат» давлат акциядорлик концерни ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари раҳбарлари олдиға фаолият кўрсатаётган қувватларни янгилаш ва юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ишга тушириш инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш бўйича аниқ вазифалар кўйилди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Банклар ассоциациясида «Тадбиркорлик — Мустаҳкам оила пойдевори» мавзуда анжуман бўлиб ўтди. Унда Республика Марказий банки, Бош прокуратура, Хотин-қизлар кўмитаси, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, «Камолот» ЁИХ, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакиллари ҳамда тижорат банклари ходимлари иштирок этди.

● Навоий вилояти Томди туманидаги «Янги Томди» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган «Роҳат» даҳасида замонавий лойиҳа асосида қуриб битказилган 10 та уй-жой ўз эгаларига топширилди. Бу хайрли ишда «Қурилиш Грант Зарафшон» МЧЖнинг ҳиссаси катта бўлди.

● Самарқанд туманидаги 12-мактабда туман «Камалак» болалар ташкилоти томонидан «Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун» шиори остида «Камалак билимдонлари» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.

● «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси Хоразм вилояти филиалида мижозларга хизмат кўрсатиш ва зарур ахборот узатиш ҳамда алоқа воситаларини сотиш бўйича «Ягона ойна» тарзида ишловчи шохобчанинг очилиш маросими ўтказилди. «On-line» тизими асосида юзга яқин хизмат турларини кўрсатувчи янги тармоқнинг ишга тушиши мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига берилаётган катта эътибор ифодасидир.

● Зангиота туманидаги «Миришкор Сайфуддинова Хонзода» фермер хўжалигида чет давлатлардан келтирилган ва юртимизда ўстириладиган ноёб атиргул кўчатларини чаптиштириш йўли билан кўпайтириб, антика намуналар олишга муваффақ бўлинди. Энг муҳими, қисқа фурсатларда хўжалик хориждаги буюртмачиларга қарийб 38 минг АҚШ долларилик атиргул кўчатларини экспорт қилишга эришди.

ЖАҲОНДА

● Францияда бўлиб ўтган президент сайловларининг биринчи турида энг кўп овоз олган ҳолда Ф. Олланд ва Н. Саркози иккинчи тур беллашувларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

● Покистонда барча ҳусусий авиаташувчилар учун парвозларни амалга ошириш қатъий тақиқланди.

● Кеча Чеченистонда жангарилар билан тўқнашув чоғида икки нафар полициячи ҳалок бўлди, иккита жангари йўқ қилинди.

● Кеча Голландиянинг Амстердам шаҳрида иккита поезднинг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида битта йўловчи ҳалок бўлди, 117 нафар одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

● Япониялик олимлар чекишга қарши янги препарат яратдилар. У тоғли ҳудудларда ўсадиган юзга яқин шифобахш гиёҳдан тайёрланади. Маълумотларга қараганда, мазкур дорини истеъмол қилган инсон организмиде тамаки маҳсулотларини нисбатан мойиллик сезиларли даражада камайдди.

● Археологлар Индонезия ғарбидаги яримороллардан бирида неолит даврида яшаган одам суяги қолдиқларини топдилар. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, топилма уч минг ёшда бўлса ҳам яхши сақланган. Яриморолдан топилган суяклар уч нафар эркакка тегишли экан. Хабарларга кўра, суяклар ёнидан неолит даврига оид зеб-зийнатлар, уй-рўзгор буюмлари ва қурол-аслаҳалар ҳам топилган.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ВА УНИНГ ҲИМОЯСИ

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан интеллектуал мулк ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон 1991 йилда Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотига аъзо бўлгани бунинг яққол далилидир.

— Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда маънавий мулк ривож ва муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директори**нинг биринчи ўринбосари **Зайниддин ГИЁСОВ**. — Утган даврда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни муҳофазат этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди. Муаллифлар ҳуқуқлари ва улар томонидан яратилган асарлар муҳофазаси 1996 йилда қабул қилинган «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонун билан янада мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2005 йил 19 апрелдан эътиборан Адабий ва бадиий асарларни муҳофазат қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси қоидалари амал қилаётгани бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Маълумки, Берн конвенцияси фан, адабиёт ва санъат асарларига бўлган муаллифлик ҳуқуқларини муҳофазат қилишга қаратилган асосий халқаро шартномалардан биридир. Конвенцияда муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофазат қилинадиган объектлар, асарлар белгиланган. Уларни яратиш ва улардан фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган муносабатлар мазкур халқаро ҳуқуқий ҳужжат қоидалари билан тартибга солинади. Конвенция аъзоси бўлган ҳар бир давлат мажбуриятлар, ҳуқуқий имконият ёки имтиёзлар бўйича тенгдир. Конвенция универсал ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, аъзо давлатларда тўғридан-тўғри ёки унинг қоидаларини соҳага оид миллий қонунчиликда акс эттириш орқали қўлланилади.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **ТОШКЕНТ** фото уйда мусавирлар Владимир Бурмакин ва Анастасия Никитиналарнинг «Дахлдор

лик» деб номланган шахсий кўрғазмаси очилди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат Консерваториясида «Наврўз садолари» кўп овозли миллий чолғу ансамбли V Республика фестивалининг очилиши муносабати

билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** пойтахтимиздаги «Shodlik Palace» меҳмонхонасининг анжуманлар залида Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва

ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Мамлакатда ёшларни касб-хунарға йўналтириш борасида амалга оширилаётган ислохотларни жамоатчиликка етказишда ОАВнинг роли ва вазифалар» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

«Умид ниҳоллари — 2012»

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ЗАҒФАР ҚУЧИШДИ

Келажагимиз ворислари — фарзандларимизни маънан етук, жисмонан бақувват ва баркамол шахс бўлиб вояга етишларини таъминлаш мақсадида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг аҳамияти беқиёс бўлмоқда.

Жорий йил ёзида ташкиллаштирилган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг республика босқичида муваффақиятли иштирок этишга аҳд қилган пойтахтимиз терма жамоаси аъзолари спортнинг саккиз тури бўйича Тошкент вилояти жамоаси билан саралаш учрашувида ўз омадларини синаб кўришди.

Авалло, баскетбол, волейбол, кўл тўпи бўйича баҳслар Ўзбекистон Миллий университети спорт залида, футбол эса Республика Олий футбол спорт маҳорат мактаби стадионида, волейбол, футбол бўйича такрорий баҳслар «Кимёгар» спорт ўйингоҳида, кўл тўпи мусобақалари Чирчиқ олимпия захиралари коллежи спорт залида қизиқарли ҳамда мурасасиз курашлар остида кечди.

Шуниси қувонарлики, деярли барча баҳсларда пойтахт жамоаси аъзоларининг кўли баланд келди. Масалан, волейбол бўйича ўсмирлар пойтахт вилоятилик тенгқурларини 3:1, қизлар 3:0 ҳисобида енга олган бўлишса, баскетболчилар беллашувида ўсмирлар 108:39, қизлар 101:28 натижаларини қайд этиб, пойтахтликларнинг маҳоратини ҳакамлар ҳайъати ва мухлисларга намойиш этишди. Кўл тўпида ўсмирлар 27:17, қизлар 23:11, футбол мусобақаларининг ўсмирлар ўртасидаги дастлабки баҳсида 4:2 ҳисобида зафар қўчган пойтахтликлар такрорий баҳсларда ҳам Тошкент вилоятида яшовчи тенгқурларига бўш келишмади. Ўсмирлар ўртасидаги волейбол беллашувида 3:0 ҳисобида муваффақият қозонган ҳамшаҳарларимиз баскетбол учрашувида (ўсмирлар) 92:51, (қизлар) 96:39 натижаларини қайд этишди.

Шунингдек, кўл тўпи сирларини ўрганаётган ўсмирлар баҳсида 18:15, қизлар ўйинида 24:3 ҳисобида галаба нашидасини сурган Тошкент шаҳри жамоаси айтиш жоизки, «Умид ниҳоллари — 2012» спорт ўйинларининг республика босқичида голибчиқа даъвогарлик қилиши турган гап. Дарвоқе, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти жамоалари ўртасида футбол бўйича ўтказилган иккинчи такрорий учрашув 0:0 ҳисобиди дуранг билан янланди.

Хулоса қилиб айтганда, «Умид ниҳоллари — 2012» мусобақаларига пухта ҳозирлик кўрган ҳамшаҳарларимизга муваффақият ёр бўлсин деймиз.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

Мингларча хосиятли наботот намуналари орасида заминпоёси тотлиги билан ажралиб турадиган, таъриф этилишига сазовор ширинмия ўзининг шифо ато этувчи хислатлари билан ажралиб туради.

Ширинмия ўсимлигини маҳаллий аҳоли қизилмия, чучукмия, тожиклар ширинбех, қозоқлар тотли томир, туркманлар — яланач буян, форслар — маҳак, араблар — сус, руслар солодка, лақрица деб юрятадилар.

Ширинмия дуккақдошлар оиласига мансуб, бўйи 150 см.гача борадиган кўп йиллик ўт ўсимлиги. Ўсимлик кеч баҳор, ёз бошларида гуллайди, меваси май-сентябрь ойларида пишди.

Ширинмия турлари Ўрта Осиёнинг кўпчилик ҳудудларида тарқалган бўлиб, улар асосан нам ерларда: тоғ ёнбағирларида, ариқ, жилга, дарё бўйларида, тўқайларда, шўр ва кумли жойларда ўсади. Шунингдек, ширинмианиннг оддий турини гоҳо экинлар орасида ҳам учратиш мумкин.

Унинг саноксиз илдизлари қадимдан доривор маҳсулот ҳисобланади. Одатда ўсимлик илдизлари эрта баҳор ёхуд кеч куз палласида қазиб олинган, тупроқдан тазалаб, совуқ сувда яхшилаб ювилади. Илдизлар селгиганидан сўнг, тагига нарса тўшалиб ҳаво эркин айланадиган пана жойларда қуритиб олинади.

Хитойликлар ширинмиани «ганцао» (ширин гиёҳ) номи билан қарийб эрамызга қадар бўлган 2800 йиллар бурун фойдаланиб келганлар. Бу ўсимликнинг маҳсулот ақсарият дорилар таркибига киритилган. У одамнинг навқирон ёшлигини сақловчи, гўзаллик бағишловчи, аъзои раисаларни бенқсон ишлатувчи табиий манба ҳисобланган.

Абу Али ибн Сино бу ўсимликнинг доривор маҳсулотларини буйрак азиятларида, қовуқ дарди, ошқозон ялиғланиши, ўпка хасталиқларида ишлатган, ширинмия асосли дориларни йўтал (астма), жигар сустлигида тавсия этган.

Шарқ мамлакатларида ширинмиёга афсонавий жёншень «Хаёт илдизи» билан рақобат қила оладиган омил



Тўй курашларига отаси томошага олиб борганида Яхё 5-6 ёшли гўдак эди. Ўша пайтларда полвонларнинг маҳорати шижоати, давраларнинг салобати унинг мурғак қалбига ҳавас уйғотган. Тенгқурлари билан кураш туша бошлаган Яхёнинг қалбига келажақда катта спортчи бўлиш иштиёқи пайдо бўлган.

Қурбонмурод ака ёлғиз фарзандидаги бу иштиёқни севди ва Яхёнинг кураш билан шугулланиши, маҳоратини ошириши учун барча шароитни яратишга ҳаракат қилди. Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор бу эзгу сарф-ҳаракатларга мустаҳкам қанот бўлди.

Яхё Имомов бугун мамлакатимизнинг умидли ёш спортчиларидан бири. 1989 йил туғилган бу йигит шу кунгача кўпчилик ҳавас қилса арзигулик ютуқларга эришди. Жумладан, кураш бўйича ёшлар ўртасида мамлакат ва жаҳон чемпиони, дзюдо бўйича бир неча халқаро турнирлар голиби ва совриндори бўлди.

Оилада соғлом муҳит, спортга бўлган қизиқиш туфайли Яхё дарсдан бўш пайтларида кўпроқ ўз устида ишлар эди. Бунинг учун ўзи таълим олган мактабда барча шарт-шароит яратилгани катта омил бўлди.

Яхё Имомовнинг профессионал спортчи бўлиб етишишида Республика Олимпия захиралари коллежининг алоҳида ўрни бор. Бинобарин, бу ерда таҳсил олган ўнлаб спортчилар жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Олимпиада ўйинлари совриндори бўлган. Я.Имомов ҳам 7-синфини тугатганидан сўнг ушбу билим масканига ўқишга кирди. Бу ерда кураш бўйича тажрибали мутахассис Мурод Дўсимбетовдан профессионал спортни кўнгли билан ўрганди. Катта интилиши, мураббийлари ўғитларига амал қилгани самарасида бир неча бор ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида голиб бўлди. 2008

йилда ёшлар ўртасида кураш бўйича жаҳон чемпионлигини кўлга киритди.

— 2008 йилнинг охирида бошлаб дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси сафига мусобақалар-

ҲАВАСДАН БОШЛАНГАН ЮКСАЛИШ

да иштирок эта бошладим, — дейди Я.Имомов. — Курашда олган сабоқларим дзюдодо ҳам кўл келмоқда. Бир неча бор мамлакатимиз чемпионати совриндори бўлдим. Ҳозир дзюдо бўйича тажрибали мураббий Андрей Штурбабин раҳбарлигида машғулотларда қатнашмоқдам.

Жорий йилнинг февраль ойида Чехиянинг Прага шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган жаҳон кубогининг навбатдаги босқичи Я.Имомов учун омадли бўлди. Лондонда бўладиган XXX ёлғиз Олимпиада ўйинларига йўлланма учун муҳим рейтинг очколарини берувчи мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг 74 мамлакатидан келган 342 нафар спортчи орасида Яхё ҳам катта ишонч билан кураш олиб борди.

81 килограмм вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган спортчимиз финалгача Туркия, Венгрия, Бельгия, Мўғулистон ва Грузия каби мамлакатлар дзюдочиларини мағлубиятга учратди. Финалда унга дунёнинг номдор полвонларидан бири — грузиялик Леван Циклаури рақиб бўлди. Кўпчилик иккала полвон ўртасидаги белла-

шув анча узок давом этишини кутган эди. Аммо эллик тўққизинчи сонияда мухташам спорт саройи ишқибозларнинг олқишидан ларзага келди. Яхё чаққон ҳаракат билан тажрибали рақибининг курагини ерга теккизди.

Я.Имомов — дзюдо бўйича жаҳон кубоги голиби. Ўз навбатида бу энг тез қозонилган галабалардан бири сифатида ҳам дзюдо мусобақалари солномасидан жой олди. Агар мусобақада ушбу вазн тоифасида олтишдан ортиқ спортчи иштирок этганлигини ҳисобга олсак, галабага эришиш осон бўлмагани янада ойдинлашди.

— Иродаси мустаҳкам, ўзини ўзи руҳан тарбиялай оладиган инсон ўз мақсадига албатта эришар экан. Ўз ҳаётимда шунга амин бўлдим. Келажақда янада юқори марраларни эгаллаб, Ватанимиз шарафини улуглаш — орузим. Ҳозир Тошкент давлат иқтисодий университетиде таҳсил оляман. Мақсадим — эл-юртимнинг қорига ярайдиган мутахассис бўлиш, — дейди Я.Имомов.

Айни пайтда Яхё шу йилнинг 27-30 апрель кунлари Тошкентда дзюдо бўйича Лондон Олимпиадаси йўлланмаси учун муҳим рейтинг очколарини берувчи Осиё чемпионатига тайёргарлик кўрмоқда.

Кечагина тўйларда кураш тушган полвонларга ҳаваси келиб юрган болакай бугун Ватан шарафини энг нуфузли халқаро мусобақаларда ҳимоя қилмоқда шай тургани мамлакатимизда ёш авлод камолоти, спортни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ва кўрсатилётган гамҳўрликнинг амалдаги самарасидир.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «XXI асрда ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук, интеллектуал бойликка эга бўлган авлод ва халққина жаҳон миқёсидаги бугунги кескин мусобақада голиб бўла олади», деган даъваткор сўзлари Яхё сингари минглаб, миллионлаб ёшларимизни мудом олға интилишга, галабалар сари ундамоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, ЎЗА мухбири

чи, аллергия асоратини (кўз касаллиқларида, қичима, эшакеми, кўтир азиятларидан) даволловчи моддадир. Бундан ташқари, ширинмиа доривор воситалари одам организмининг шамоллаши натижасида ҳосил бўладиган захарли моддалардан фориг қилувчи омил сифатида ҳам қадрланади. Ширинмия илдизидан олинандиган шарбат — табиқ тинчлантирувчи ҳамда оғриқ қолдирувчи хусусиятга эга.

Кези келганида ширинмия ўсимлигининг кимёвий таркиби билан таништириб қўйган ўринли бўлади. Ўсимликнинг илдизи таркибига 32-24 фоиз тритерпен сапонини-глицерризин бирикмаси, 4 фоизгача флавоноидлар, 20 фоизгача қандлар, 34 фоизгача крахмал, аспарагин, эфир мойи, С витамини, пектин, уреленоглюкурон кислотаси бор. Илдиз флавоноидларидан ликвиритин, ликвиритозид, ликурозид, глабозид ва бошқа бирикмалар мавжуд.

Ширинмия илдизидан ўй-хонадон шароитида доривор омиллар тайёрлаш мумкин. Бунда қуритилган илдизлар кунга айланттирилиб, бир ҳиссасига икки ҳисса шакар қўшилади. Мазкур амал изтиробли йўталга таскин берувчи ва балғам кўчирувчи восита ҳисобланади. Томоқ қақраши, оғиз қуришида ўсимлик илдизларидан тайёрланган қайнатмадан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун тахминан 6 грамм майдаланган маҳсулот ярим чойнак қайноқ сув билан 15 дақиқа давомида сусл алангада қайнатилди. Сўнгра сузиб олиниб, шарбатидан кунига ош қошиқда 4 маҳал олинади.

Дармон бағишловчи доривор тайёрлаш учун 40 грамм ширинмия илдизи кукунини 80 грамм турп, 300 грамм асл асал билан обдан аралаштирилиб ҳалим ҳолига келтирилади ва икки ҳафта давомида истеъмол қилинади.

Ўсимлик дамламаси ҳамда таблеткасини дорихоналардан бемалол сотиб олиш мумкин. Саноат миқёсида ширинмия асосли «Ликвиритон» препарати ҳамда «Глицерин» номи билан юритилувчи астмага даво бўлувчи таблетка чиқарилган.

Маннон НАБИЕВ, доришунос



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

Оз бўлса ҳам баракаси бўлсин.

Номард иш битгач гина қилади.

Яхши ёмон бўлиши мумкин, лекин ёмон ҳеч қачон яхши бўлмайди.

Севган ҳамма азобни ўзига олади.

Озда ҳикмат, Кўпда иллат.

Кўпчилик тарозига ўрнмайди: бошқаларни ўлчайди-ю, ўзини ўлчолмайди.

Ким бир лаҳзада мангуликни яратади, кимнинг бутун умри беҳуда ўтади.

Ким қайси даврада юрса, ўшаниннг гапини айтади.

Инсон билмаган нарсасига қизиқади — билганининг қизиғи йўқ.

Қадрсиз меҳнат қаритади.

Дунёда нодоннинг ўзини доно кўрсатишидан-да кулгили нарса бўлмаса керак.

Нодоннинг ҳақиқатига ўзидан ўзга ишонмайди.

Ҳайвон ҳам нодондан афзал, чунки сезгилари унга тўғри йўлни кўрсатади.

Муҳаббатни куч билан ушлаб туриб бўлмайди.

Керакка югуриб етолмайсан, керак-сиз оёғингнинг остидан чиқади.

Муттаҳамлик касб эмас, табиат.

Нодон оқибатни кўролмайди.

Нафс кишининг қўл-оёғини боғлаб беради.

Бировга қолган кун ўтмас.

Бермаснинг оши битмас.

Ваҳимачи ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам қийнаб яшайди.

Қаноатсизлик одамни адо қилади.

Оиланиннг устун муҳаббат — жангу жанжал эмас.

Оқил тадбир билан, жоҳил занжир билан.

Яхши дуо олиб яшайди, ёмон қарғиш.

Тенгинг йўқ жойга борма.

Кундалик жангу жанжал оила устунига тинимсиз урилайтган болтадир — у бир кун бу устунни емиради.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Ўзгидромет ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 24 апрелда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳити зарarli моддалар 24 апрел кун ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 16-18 даража ишк, кундузи — 26-28 даража иссиқ бўлади.